

**ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИДА УМУМКАСБИЙ
ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

Сайидова М.Х.

*“Технологик таълим” кафедраси ўқитувчиси
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти*

Таянч сўзлар: таълим-тарбия, давлат таълим стандарти, технология, омил, мақсад, вазифа, босқич, компетенция, инновация, инновацион ғоялар, технологик жараён, креативлик, компетентлик.

Аннотация: Мазкур мақолада технологик таълим йўналишида умумкасбий фанларни замонавий технологиялар асосида ўқитиш талабаларда умумкасбий билим ва кўникмаларни ривожлантириш омиллари изоҳланган. Талабаларга таълим беришда таълим сифатини юқори самарадорлигини ва ижобий сифат кўрсаткичларини оширишнинг методикаси ва таркибий қисмлари асослаб ўтилган.

**MODERN EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN TEACHING
GENERAL VOCATIONAL SCHOOLS IN THE FIELD OF
TECHNOLOGICAL EDUCATION**

Sayidova M.X.

*Teacher of "Technological Education" department
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region*

Keywords: education, state education standard, technology, factor, goal, task, stage, competence, innovation, innovative ideas, technological process, creativity, competence.

Abstract: This article reveals the factors of formation of general professional knowledge and skills of students in teaching general professional sciences in the field of technological education based on modern technologies. The methods and components of improving the quality of education and positive quality indicators in teaching students are substantiated.

Республикамизнинг педагогик олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳолда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интиломқдалар. Таълим технологияларини ўқув жараёнига жорий этишнинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:

1. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқариш учун таълимни жадаллаштириш зарурлиги;
2. Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи ва талаба ролини ўзгартириш зарурлиги;
3. Фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегараланганлиги;
4. Кишилик жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги бой назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ яқунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги;
5. Рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа тизимли ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилишидадир.

Таълим жараёни юқорида санаб ўтилган бешта асосий шартларни барча талабларига жавоб берадиган таълимий тадбирдир. БМТ нуфузли идораларидан бири бўлган ЮНЕСКОнинг таърифича, таълим технологияси - таълим моделларини оптималлаштириш мақсадида, инсон

ва техника ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда, бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлаш тизимидир. Тизимнинг фаолияти уни ташкил этувчи ҳар бир элементи ва ўз навбатида ҳар бир элемент бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Таълим жараёнини бир тизим деб қарайдиган бўлсак, уни ташкил этувчилари, яъни элементларига қуйидагилар киради: ўқув мақсади, кутилаётган натижалар, ўқитувчи, талаба, таълим мазмуни, таълим методи, таълим шакли, таълим воситалари, назорат ва баҳолаш. Таълим жараёнини лойиҳалаштиришда юқорида санаб ўтилган элементлардан бирортаси эътибордан четда қолса ёки нотўғри танланган бўлса, тизим ишламайди, демакки, таълим жараёни олдида қўйилган мақсадга эришилмайди.

Таълим модели — таълим жараёни тузилмасидир. Таълим моделлари икки турга ажратилади: анъанавий таълим модели ва ноанъанавий таълим модели. Ноанъанавий таълим моделини ўз навбатида қуйидаги уч қисмга ажратиш мумкин: ҳамкорликда ўрганиш, моделлаштириш, тадқиқот. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, анъанавий дарс ўтиш таълимнинг самарали моделларидан бири бўлиб қолмоқда. Анъанавий дарс - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган, мавзуга кириш, ёритиш, мустаҳкамлаш ва яқунлаш босқичларидан иборат таълим моделидир. Ўқув материали янги ва анча мураккаб бўлганда, анъанавий дарс кўп ҳолларда таълим жараёнининг бирдан-бир методи бўлиб қолмоқда. Маълумки, анъанавий дарсда таълим жараёнининг марказида ўқитувчи туради. Шу боис, баъзида анъанавий дарсни марказида ўқитувчи турган ўқитиш усули деб ҳам аташади. Анъанавий дарс ўтиш моделида кўпроқ маъруза, савол-жавоб, амалий машқ каби методлардан фойдаланилади. Шу сабаб, бу ҳолларда анъанавий дарс самарадорлиги анча паст бўлиб, талабалар таълим жараёнининг пассив иштирокчиларига айланиб қоладилар.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман талабалар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш талабаларнинг ўзлаштириш даражасини кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, ўқитувчи томонидан талабаларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда баҳс-мунозара, аклий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, тадқиқот, ролли ўйинлар методларини қўллаш, турли-туман қизиқтирувчи мисолларнинг келтирилиши, талабаларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш, турли баҳолаш усулларида фойдаланиш, таълим воситаларидан жойида ва вақтида фойдаланиш талаб этилади. Бу моделлар асосан талаба шахсига қаратилган бўлиб, уларни бошқача қилиб марказда талаба турган таълим моделлари деб ҳам аташади.

Анъанавий таълим модели — талабаларнинг ўзлаштириш, тушуниб етиш, билимини мустаҳкамлаш бўйича ўзлаштириш фаолиятини таъминлайдиган, тайёр ҳолатда талабаларга баён қилинган ўқитиш ва билим олиш моделидир. Анъанавий таълим модели методлари дарс жараёнида қўлланганда таълим жараёни марказида ўқитувчи туради. Анъанавий таълим моделига маъруза, намойиш, видеоусул, тўрт поғонали усул, лаборатория ишлари, амалий машқлар каби методлар киради.

Ҳамкорликда ўрганиш модели - талабаларнинг билимини ўзлаштириш, сингдириш, мустаҳкамлаш бўйича репродуктив фаолиятини таъминловчи, маҳорат ва малакани кетма-кетлик бўйича талабанинг бевосита бошчилигида ишга солишни ташкил этишга асосланган ўқитиш ва билим олиш моделидир. Ушбу модел талабаларнинг мустақил гуруҳларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тутадиган методлардан иборат. Буларга китоб билан ишлаш, ўқув суҳбати, давра суҳбати, аклий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара каби

методларни киритиш мумкин.

Моделлаштириш модели — реал ҳаётда ва жамиятда юз берадиган ҳодиса ва жараёнларнинг ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган кўринишини синфхонада яратиш ва уларда талабаларнинг шахсан қатнашиши ва фаолияти эвазига таълим олишини кўзда тутувчи методлардан иборат. Ушбу методларнинг асосий мақсади талабаларнинг фақат тинглаши эмас, балки билимларни ўзлаштиришда бевосита иштирокини таъминлаш орқали таълим жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган. Буларга ишбоп ўйинлар ва ролли ўйинлар каби методларни кириш мумкин.

Тадқиқот модели — талабалар томонидан муаммони тушуниш ва ечиш, мустақил билим олишни кучайтирадиган ва шунга ундайдиган усуллар йиғиндисидан иборатдир. Тадқиқот моделининг мақсади дарс жараёнида талабаларда савол кўйиш ва уларга жавоб излашида қизиқишини уйғотишга қаратилгандир. Ушбу модел бўйича ўқитиш талабаларни амалий изланиш жараёнида бевосита қатнашишини таъминлайди. Буларга муаммоли вазият, лойиҳалаш методи, мустақил изланиш, йўналтирувчи матн каби методлар киради.

Метод — (грекча «Metodos» сўзидан олинган бўлиб, изланиш ёки билиш йўли, назария, таълимот маъносини англатади) аниқ вазифани ечишга бўйсундирилган, борлиқни амалий ёки назарий ўзлаштириш операцияларининг ёки йўллариининг йиғиндиси.

Метод - талаба ва ўқитувчининг муайян мақсадга қаратилган, биргаликдаги фаолиятини ташкил қилишнинг тартибга солинган усуллар йиғиндиси.

Амалиётдаги оддий қоидалар шу ҳақда гувоҳлик берадики, янги билимларни бериш назарий дарснинг дастлабки 20 дақиқасида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади, кейин эса баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқа шу каби ноанъанавий методларни амалга

ошириб, талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш керак. Қандай ҳолатда ҳам назарий дарс жараёнида, масалан, фақат маъруза ўқиладиган вақт 20 дақиқадан ошмаслиги керак. Чунки ўрганишнинг дастлабки 20 дақиқаси энг самарали, 30 дақиқадан кейин эса, ўрганишни давом эттириш мотивацияси тезда пасая бошлайди. Бу ҳамма таклифлар талабанинг диққатини узоқроқ вақтга сақлаб туришга хизмат қилади.

Идрок қилиш пайтида қанча кўп сенсорик (сезги) каналлардан фойдаланилса, эса олиб қолинган билимларнинг миқдори ва сифати шунчалик юқори бўлади. Агар билимлар фақат «маъруза»лар орқали (пассив тинглаш йўлида) берилган бўлса, унда 3 кундан сўнг уларнинг фақат 25%ни эслаш мумкин холос. Агар у маърузалар ўқиш (тинглаш), намойиш ва кўргазмали қилиш (кўриш, ушлаб кўриш ва шу кабилар) орқали берилса ва шу тўғрисида баҳслашилса, унда 3 кундан сўнг 75%ини эсга тушириш мумкин.

Агар билимларни идрок қилишда бир неча сенсорик каналлар биргаликда ишга солинган бўлса, маълумотларнинг қисқа хотирадан узоқ хотирага ўтиш жараёни тезлашади, бу эса билишнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Ўқув вазиятини тайёрлашда ноанъанавий методлар ва аудио-визуал воситаларни самарали ишлатиш лозим. Бунда бирданига кўпгина сенсорик каналлар жалб этилади.

Қуйида тавсия этилаётган схемада талабаларнинг эслаб қолиш кўрсаткичларига ўқитиш методларининг таъсир даражаси акс этирилган:

- 1 Маъруза - эшитганимизнинг 5%.
- 2 Ўқиш - ўқиганимизнинг 10%.
- 3 Видеоусул, намойиш - кўрганимизнинг 20%.
- 4 Тажрибани намойиш қилиш - кўрган ва эшитганимизнинг 30%
- 5 Баҳс-мунозара - муҳокама қилганимизнинг 40%.
- 6 Машқлар - ўқиган, ёзган, гапирганимизнинг 50%.
- 7 Ишбоп ўйин, кичик гуруҳларда ишлаш, лойиҳалаш – мустақил

ўқиганимизнинг, таҳлил ва муҳокама қилганимизнинг, ҳимоя ва намойиш қилганимизнинг 75%.

8 Йўналтирувчи матн, муаммоли вазият, бошқаларни ўқитиш — мустақил ўрганганимизнинг, таҳлил ва муҳокама қилганимизнинг 90%.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, дарс жараёнида анъанавий методлар қўлланилганда, талабаларнинг ахборотни эслаб қолиш кўрсаткичининг энг юқори даражаси 30% ни ташкил этар экан. Ноанъанавий методлар қўлланилганда эса, талабаларнинг ахборотларни ўзлаштириш даражаси кўтарилди боради.

Адабиётлар:

1. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.— Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.— 279 б.

2. Иноятлов У.И., Муслимов Н.А., ва бошқ. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб. — Т.: “Илм-Зиё” нашриёти, 2012 й. 12 б.т.

3. Иноятлов У.И., Муслимов Н.А., ва бошқ. Педагогика (нопедгогик олий таълим муассасалари учун). — Т.: ТДПУ, 2013 й. 15,25 б.т.

4. Муслимов Н., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. — Т.: “Фан ва технологиялар”. 2013 й. 8 б.т.

5. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтаўжаева таҳрири остида. — Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. — 208 б.

6. Abdusoliev, A. I., Kushakova, M. N. (2021). Temir yo'l transportini rivojlantirishning moliyaviy siyosatining tahlili va tamoyillari. Экономика и социум, 9(88), 893-896.

7. Abdusoliev, A. I., Kushakova, M. N. (2021). Moliyaviy menejment tizimini rivojlantirish tamoyllari. Oriental renaissance Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 972-977.

8. Razzoqova, J. R., Qaxorov, M. X., Kushakova, M. N. (2021). Temir yo‘l transportining moliyaviy boshqaruv tizimini takomillashtirish. *Oriental renaissance Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(9), 978-986.
9. Kushakova, M. N. (2020). Main directions of credit policy during the COVID-19 PANDEMY. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(2), 1836-1839.
10. Kushakova, M. N. (2020). Financial planning problems in enterprises. *EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues*, 8(5), 20-21.
11. Dzhumanova, A. B., Kushakova, M. N., Khodzhaeva, N. A. (2019). Formation of accounting management information in the control system of enterprises of JSC «Uzbekistan Railways. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 28(14), 32-36.
12. Кушакова, М. Н. (2022). Анализ и методология управления обслуживающего персонала железнодорожного транспорта в республике. *Экономика и социум*, 1(92), 593-596.
13. Salimov, I. I., Kushakova, M. N. (2022). Analysis of the Problems of Innovative Development of the National Economy and Financial Stability of the Republic of Uzbekistan. *International Journal of Innovative Research in Science Engineering and Technology*, 11(2), 1603-1605.
14. Kushakova, M. N. (2022). Increasing the Efficiency of Logistics Management in Railway Transport. *ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal*, 12(2), 342-346.